



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 11 сентябрь, № 176 (6106)

Пайшанба

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, қалби эзгуликка лиммо-лим кишиларнинг қувончига гувоҳ бўласиз. Бинобарин, қайси соҳани олманг, фидойи, меҳнатсевар замондошларимиз азму шижоати билан гуллаб-яшнамоқда, равнақ топмоқда. Айниқса, шу кунларда мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан бўлган Тошкент вилоятининг иқтисодий ривожига тарихий янгилашни жараёнлари кечмоқдаки, бу ислохотлар пировардида ободлик ва фаровонликнинг мустақкам асоси бўлиб хизмат қилаётди.



Тошкент вилояти:

ИСЛОҲОТЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР, НАТИЖАЛАР

Кейинги йилларда худудда иқтисодиётнинг барча тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, табиий шароит ва хом ашё ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш борасида эътиборга лойиқ ишлар олиб борилаётди. Бунда давлатимиз раҳба-

рининг 2013 йил 12 июлдаги "2013 — 2015 йилларда Тошкент вилоятининг саноат потенциални ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётди. Мазкур ҳужжат воҳанинг ҳақиқий салоҳиятини намоён этиши, йирик иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривож-

лантиришни кўзда тутиши ҳамда кўламининг кенглиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Қаранг, яқин уч йил ичида худудда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 триллион 825 миллиард сўмга етади. Бу 2012 йилдагига қиёслаганда 124,3 фоиз кўп, демак-

созлик, металлургия, қурилиш материаллари, электр техникалари, кимё ва нефть-кимё соҳаларида янги қувватларни ташкил этиш, мавжудларини модернизациялаш ва кенгайтириш борасида комплекс чора-тадбирлар кўрилаяпти. Бундан ташқари, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб

қилиш орқали рақобатбардош ноозик-овқат, истеъмол товарлари, жумладан, тўқимачилик, тикув, трикотаж, чарм-пойабзал ва фармацевтика маҳсулотларини кенг ассортиментда ишлаб чиқариш бўйича янги ютуқлар қўлга киритилаётди.

(Давоми 4-бетда).

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда худудий корхоналар томонидан



314 млн.

АҚШ долларилек товар ва хизматлар экспорти амалга оширилди

11 СЕНТЯБРЬ — "МАРДЛИК" ОРДЕНИ ТАЪСИС ЭТИЛГАН КУН

Жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатлик эл-юртимиз равнақи йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мустақкам асоси бўлиб хизмат қилаётди.

Садоқат ва мардлик эътирофи



Ўзбекистонимизнинг қисқа вақт ичида иқтисодий жиҳатдан барқарор давлатга айлангани, халқаро миқёсда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлгани, барча соҳада улкан ютуқларга эришиб, кўпчиликнинг ҳайрат ва ҳавасини ортираётгани Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилаётган "Ўзбек модели"нинг ёрқин самарасидир.

Таъкидлаш жоизки, қўлга киритаётган ютуқларимизда бугунги замон талабларига мос тарзда шакллантирилган Куролли Кучларимизнинг ҳам муносиб хиссаси бор. Чунки армиямиз юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва худудий яхлитлигининг ишончли кафолатидир. Ўтган давр мобайнида армияни қурол-ярғоқ ҳамда ҳарбий техника билан таъминлаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустақкамлаш баробарида, ҳарбийларимизнинг хизмат ва яшаш шароитини яхшилаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда рағбатлантиришга доимий эътибор қаратилаётди. Бундан икки йил аввал Президентимиз ташаббуси билан "Мардлик" ордени таъсис этилиши ҳам бу борадаги ишларнинг мантқий давоми бўлди.

"Мардлик" ордени 1 микрон қалинликда олтин қопланган мис қотишмасидан тайёрланади. Орденнинг баландлиги 50 миллиметр, эни 41 миллиметр, қалинлиги 4,5 миллиметр.

(Давоми 2-бетда).

«Lookwe» журнали Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ҳақида

Яқинда Хитойда инглиз тилида нашр қилинадиган нуфузли "Lookwe" журнали саҳифаларида "Биргаликда олға ҳаракатланиш, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг янада ажойиб келажакни барпо этиш" деган сарлавҳа остида салмоқли мақола чоп этилди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг жорий йил 19 — 20 август кунлари Хитой Халқ Республикасига буорган давлат ташрифи ва унинг якунлари бағишланган.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Мақолада Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихи асрлар қаърига бориб тақалиши, яъни бундан икки минг йил аввал икки мамлакат халқларини Евроосиё бўйлаб жойлашган Буюк Ипак йўли чам-

барчас боғлаганлиги қайд этилади. Нашрда қаламга олинганидек, бундан 22 йил олдин мамлакатлар ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган. "Ҳозирги пайтда томонлар олий

даражадаги фаол ташриф алмашувларини қўллаб-қувватлашмоқда, ўзаро сиёсий ишонч чуқурлашмоқда, амалий ҳамкорлик изчил ривожланаяпти".

Мақолада томонларнинг халқаро ва минта-

қавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасида бир-бирларини қўллаб-қувватлаётгани, БМТ, ШХТ ҳамда бошқа кўп томонлама ташкилотлар доирасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилгани эътироф этилиши баробарида, Хитой — Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашга кўмаклашиши ҳам алоҳида таъкидланган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбек толасининг довуғи янада ортади

Мамлакатимизда кейинги йилларда пахта етиштириш ва уни қайта ишлашга бўлган ёндашув тубдан ўзгармоқда. Бунда селекциячи олимларимиз томонидан гўзанинг эртапишар, касалликларга чидамли ҳамда юқори сифатли тола берувчи янги навлари яратилаётгани, пахта саноати корхоналарида модернизациялаш ишлари изчил олиб борилаётгани айни муддао бўлаяпти.

Натижада пахта ҳосилдорлиги кўтарилиши баробарида, уни қайта ишлаш ҳамда ортимоқда. Жумладан, жорий йилда "Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимидаги корхоналарда 2,1 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 106,3 фоизни

ташkil этди. 2013 йилги пахта хом ашёсини қайта ишлаш орқали олинган толанинг сифат кўрсаткичи эса 94,5 фоизга етказилиб, аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 2,4 фоиз ўсишга эришилди. Айни шу омиллар ўзбек толасининг жа-

хон бозоридagi мавқеини кўтаришга, унинг рақобатбардошлиги ва харидорлигини таъминлашга хизмат қилаётди.

Дарҳақиқат, заминимизда етиштирилаётган пахта хом ашёси ўзининг саноатбоплиги билан алоҳида ажрәлиб туради. Соҳа мутахассислари буни унинг ранги, толасининг узунлиги, пишқилиги ва микронейр кўрсаткичлари халқаро стандартларга тўлиқ мос келиши билан изохлашяпти.

Таъкидлаш жоизки, давлат то-

ласининг жаҳон бозорига жадал кириб боришида бир неча йиллардан буён ташкил этилаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг ўзига хос ўрни бор. Зеро, ўтган вақт мобайнида мазкур ярмарка Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси (ICAC)нинг энг муҳим тадбирлари реестрига киритилгани туфайли у дунё миқёсида пахта бозори сиёсатини белгилувчи нуфузли анжуманлардан бирига айланди. Бу йил ушбу ярмарка ўиничи бор ўтказилади.

Шу муносабат билан айни пайтда республикамизда унинг ҳар жиҳатдан фойдали ва самарали бўлишини таъминлаш, иштирокчиларни тармоқдаги янгиликлар билан таништириш мақсадида пухта тайёргарлик кўриломқда.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида "Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари — САТМЕ — 2014" ҳамда "Тўқимачилик саноати — TextileExpo Uzbekistan — 2014" халқаро кўргазмалари очилди.

Тўқимачилик саноати:

Самарали ҳамкорлик, истиқболли келишувлар

Жаҳон тўқимачилик машинасозлиги ва энгил саноат вакиллари томонидан "ҳақиқий бизнес майдони" дея эътироф этилаётган мазкур нуфузли тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси, Савдо-саноат палатаси, "Осиё рамзи" Ўзбекистон моделерлар ва дизайнерлар уюшмаси кумагида "ITE-Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси ва "ITE" компаниялари гуруҳи (Буюк Британия) томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги қарор, айниқса, тўқимачилик саноатини тараққий эттиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти. Негаки, ушбу ҳужжатга мувофиқ, ҳаётга татбиқ этилаётган йирик лойиҳалар экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ички бозорни рақобатбардош кийим-кечак ва бошқа истеъмол товарлари билан тўлдирishi имконини бераётди.

Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган кўргазмалар эса республикамизда фаолият кўрсатаётган энгил саноат корхоналари билан ташкил этилди. Маълумки, тўқимачилик ва энгил саноат Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларидан ҳисобланади. Фақатгина 2014 йилнинг биринчи ярмида энгил саноатда 12,7 фоиз ўсиш кузатилиб, жумладан, унинг пахтани қайта ишлаш жаҳасида 22,1 фоиз, трикотаж йўналишида 22,3 фоиз, тикувчиликда эса 13,6 фоиз юксалишга эришилгани буни яққол тасдиқлаб турибди. Президентимиз ташаббуси билан соҳа ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор, яратилган қўлай инвестициявий муҳит қўлга киритилаётган ютуқларнинг муҳим омили бўлаётди, албатта.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида соҳага ички ва ташқи инвестициялар жалб қилинган ҳолда, кўплаб замонавий корхоналарга асос солиниб, мавжудлари тубдан реконструкция қилинди. Натижада заминимизда етиштирилган пахта хом ашёсини ўзимизда қайта ишлаш ҳажми тобора ошиб бораёпти. Айтайлик, истиқболнинг дастлабки йилида пахтадан 7 фоизга кўпроқ маҳаллий корхоналарда қайта ишланган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 44 фоизга етказилди.

Кўргазмаларнинг очилишида сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил 15 декабрда имзоланган "2011 — 2015 йилларда

— Эллик йиллик тарихга эга бизнинг компаниямиз тўқимачилик саноати учун замонавий машиналар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди Италиянинг "RITE S.p.A" компанияси савдо менежерини Массимо Чиранда. — Уларнинг унумдорлиги юқорилиги, тежамкорлиги, энг асосийси, халқаро стандартларга тўла мос келадиган сифатли маҳсулот тайёрлашга қодирлиги буюк жаҳон бозорига талаб ниҳоятда катта. Айниқса, ип йиғириш ва газлама тўқиш ускуналаримиз дунёнинг деярли барча мамлакатига экспорт қилинади.

(Давоми 2-бетда).



(Давоми 2-бетда).

Фирма ва компания раҳбарлари диққатига!

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ
МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

тендер савдолари эълон қилади.

Тендер савдоларида чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва/ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

1. Тендер комиссия ишчи органи номи ва манзили: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-тор кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: (8 10 998) 252-30-36, 255-78-24.
Факс: (8 10 998) 281-43-73 (74).
E-mail: umts@mvc.uz

2. Тендер савдоси предмети — рақамли автоматик телефон станцияларини 3-та жамлама миқдорига етказиб бериш.

3. Етказиб бериш шарти, муддати ва тўлов шарти юзасидан маълумотлар тендер савдолари ҳужжатларида кўрсатилган.

4. Тендер бошлангунча тендер комиссияси томонидан иштирокчиларнинг малакавий танлови ўтказилади.

5. Тендер ҳужжатларининг қиймати, таклифларининг кафолатлаш суммаси ва уни тўлаш тартиби, тендер ҳужжатлари тўлови учун банк реквизитлари юзасидан маълумотлар савдосида буйича тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

6. Тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги муддати — 2014 йил 3 октябрь кунини соат 18.00.

7. Тендер савдолари ўтказилиши шартлари буйича қўшимча маълумотлар олиш учун хар кунини соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ва телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин.

1954A/174

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 14 октябрь кунини соат 11.00 да объект бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар куйилмоқда:

1. Миробод тумани СИБ томонидан ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2014 йил 20 мартдаги 1-426/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Абдурауф Фитрат 5-тор кўчаси, 28-уйда жойлашган, умумий майдони 329 кв.м. бўлган икки қаватли уй-жой.

Бошлангич баҳоси — 133 000 000 сўм.

2. Юнусобод тумани СИБ томонидан ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2014 йил 25 июндаги 1-3877/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 36-уй, 11-хонадонда жойлашган, умумий майдони 39,90 кв.м. бўлган нотураж жой.

Бошлангич баҳоси — 72 087 000 сўм.

2014 йил 30 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар такроран куйилмоқда:

1. Юнусобод тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 1 декабрдаги 1-576/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Барака (собик Ш. Қозқобоев) кўчаси, 126-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 832 кв.м. бўлган икки қаватли уй-жой.

Бошлангич баҳоси — 337 682 696 сўм.

2. Сергели тумани СИБ томонидан ЖИБ Сергели тумани судининг 2013 йил 7 октябрдаги 1-693-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўйлик-5 мавзеси, Халқобод маҳалласи, Толариқ канали бўйида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 107 кв.м. бўлган 1 қаватли болалар спорт майдончаси ва савдо шохобчалари.

Бошлангич баҳоси — 129 706 920 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдосида бошланишига бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатган ҳолда, хар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800020492751003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй.
Телефон: (8-371) 250-19-24.

Хизматлар лицензияланган.

14086/145

**«КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС
MULK SAVDO» МЧЖ**

шунини маълум қиладики, «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 9 сентябрдаги 174-сонда чоп этилган «Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Учтепа тумани СИБ томонидан 2012 йил 17 сентябрдаги 1-423⁹⁹/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошлангич баҳоси 601 341 827 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чоштепа 9-берк кўчасида жойлашган, умумий майдони 1700,0 кв.м., 1 қаватли, қурилиш ости майдони 615,0 кв.м., фойдаланиш майдони 200,32 кв.м., иншоотлар майдони 364,0 кв.м., асосий бинолар сони 2 та, ёрдамчи бинолар сони 8 тадан иборат бўлган «Vog' ko'cha ART» номли чойхона куйилмоқда» сўзлари ўрнига «Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Учтепа тумани СИБ томонидан 2012 йил 17 сентябрдаги 1-423⁹⁹/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошлангич баҳоси 595 328 407,88 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чоштепа 9-берк кўчасида жойлашган, умумий майдони 1700,0 кв.м., 1 қаватли, қурилиш ости майдони 615,0 кв.м., фойдаланиш майдони 200,32 кв.м., иншоотлар майдони 364,0 кв.м., асосий бинолар сони 2 та, ёрдамчи бинолар сони 8 тадан иборат бўлган «Vog' ko'cha ART» номли чойхона куйилмоқда» деб ўқилсин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Вазирлик кўчаси, 88-уй.
Телефон: (8-371) 249-54-59.
«Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖ маъмурияти.
Хизматлар лицензияланган.

**«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Наманган вилояти филиали**

бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Чортоқ тумани СИБ томонидан ФИБ Янгиқўрғон туманлараро судининг 2012 йил 24 ноябрдаги 1-397-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Чортоқ тумани, «Туркистон» МФИда жойлашган, фуқаро Саттибекмирзаева Манзураҳон Холматовнага тегишли, фойдаланиш майдони 115,75 кв.м., қурилиш ости майдони 210,92 кв.м. бўлган ҳаммом, сартарошхона, тикувчилик цехи бино-иншоотлари такроран куйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 40 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 25 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 13.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2014 йил 23 сентябрь кунини соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.
Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz
Хизматлар лицензияланган.

1415A/145

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Янгийўл тумани томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг 2013 йил 23 октябрдаги 1-5436/13-сонли ҳал қилув қарорига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Бойтиш» МФИ, Бойтиш кўчасида жойлашган, ер участкаси майдони ҳужжат асосида 326,5 кв.м. бўлган таъмирталаб 0001-дам олиш биноси, 0002-ёрдамчи бино, 0003-ҳожатхона биноси, 0004-шоҳона биносидан иборат дам олиш муассасаси такроран куйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 142 236 000 сўм.

2. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Паркент тумани СИБ томонидан 2014 йил 20 январдаги 10-1308/10450-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Паркент тумани, «Гулбоғ» агрофирмаси, Чўққайма маҳалласида жойлашган картошка омбори биноси ва иншоотлари такроран куйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 350 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 29 сентябрь кунини соат 12.00 да ўтказилади.

3. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани СИБ томонидан 2013 йил 26 декабрдаги 11-1334/11563-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Хўжакент» ҚФЙ, Коранкўл қишлоғида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 4,1014 гектар ер майдонида жойлашган молхона бино-иншоотлари куйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 687 500 000 сўм.

4. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар

СИБ томонидан 2-221/28-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 3-уйда жойлашган 36-хонадон куйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 17 778 587 сўм.

5. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Янгийўл тумани СИБ томонидан 2014 йил 8 апрелдаги 1-1897/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Низобсои» ҚФЙ, О. Қўқорнов маҳалласида жойлашган, фойдаланиш майдони 25,80 кв.м. бўлган гўшт дўкони биноси куйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 23 920 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 14 октябрь кунини соат 12.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосига куйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Инак йўли» банки Миробод филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

14086/145

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф қилади.

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 25 сентябрь кунини соат 14.00 да объект бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар такроран арзонлаштирилган нархларда куйилмоқда:

I. Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2014 йил 30 январдаги 1-29/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Фарғона шаҳри, Баҳор кўчасида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 1 434,27 кв.м., фойдаланиш майдони 448,2 кв.м. бўлган чойхона ва савдо дўкони («Кўксарой» тўйхонаси).

Бошлангич баҳоси — 1 004 972 545 сўм.

2. Фарғона шаҳри, Баҳор кўчасида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 543,46 кв.м., фойдаланиш майдони 464,38 кв.м. бўлган новвойхона ва сомсахона («Чинор» чойхонаси).

Бошлангич баҳоси — 389 416 515 сўм.

3. Фарғона шаҳри, Қашқар кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 1 372,31 кв.м., фойдаланиш майдони 615,35 кв.м. бўлган «Ешлар маркази» биносининг 1/2 қисми, клуб биноси.

Бошлангич баҳоси — 345 904 627 сўм.

4. Фарғона шаҳри, Баҳор ва Қори-Низозий кўчалари кесишмасида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 997,22 кв.м. бўлган қурилиши тугалланмаган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси.

Бошлангич баҳоси — 194 463 551 сўм.

II. Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ бўйича Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Олтиариқ тумани, «Обод Олтиариқ Севинчи» МЧЖга қарашли, Олтиариқ тумани, Ўзбекистон кўчасида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 1923,25 кв.м., фойдаланиш майдони 1934,30 кв.м. бўлган, 0001-0009-литерлардаги тўйхона мажмуаси бино-иншоотлари.

Бошлангич баҳоси — 732 423 723 сўм.

2. Олтиариқ тумани, «1-кўча механизациялашган карвон» ХКга қарашли, Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, «Қапчугай» МФИда жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 3585,71 кв.м., фойдаланиш майдони 3361,38 кв.м. бўлган, 0001-0014 литерлардаги темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш цехи.

Бошлангич баҳоси — 496 589 618 сўм.

3. Олтиариқ тумани, «1-кўча механизациялашган карвон» ХКга қарашли, Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Қумирчи» МФИда жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 112,23 кв.м., фойдаланиш майдони 87,91 кв.м. бўлган 0001-литердаги савдо дўкони.

Бошлангич нархи — 40 868 169 сўм.

4. Олтиариқ тумани, «Обод Олтиариқ Севинчи» МЧЖга қарашли, Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, «Шарк» МФИ, Дўстлик кўчасида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 4646,27 кв.м., фойдаланиш майдони 3997,47 кв.м. бўлган 0001-0012-литерлардаги алюминий профил ва МДФ эшик-ромлари ишлаб чиқариш цехи.

Бошлангич баҳоси — 556 912 924 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2014 йил 23 сентябрь кунини соат 17.00 да тўхтатилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800020492751003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион савдолари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 19-хона.
Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.

Хизматлар лицензияланган.

14086/145

**“ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ”
ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ**

Барча мулк шаклидаги қурилиш ташкилотлари учун

ЛИЗИНГ 1 йилдан 5 йилгача
Ижара 1 йилгача

қурилиш техникаси
махсус транспорт
қурилиш асбоблари
кичик механизация воситалари
технологик ҳижозлар

Лизинг операцияларини амалга ошириш орқали ўз маблағингизни сезиларли даражада тежаш имконига эга бўласиз.

Лизинг шартлари ҳар бир миждоз учун алоҳида тарзда белгиланади.

МАНВЖУД ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ:
- ҚУВУР ЁТКИЗГИЧ “PipeLineMan PMGY-70”;
- АВТОБЕТОН АРАЛАШТИРГИЧ “НОВО” (ҲАЖМИ 8 м³).

ШУНИНГДЕК, КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ МАНВЖУД:
- БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (РОССИЯ, ЎЗБЕКИСТОН);
- РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ МОДЕЛЛАРДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛҒАЛАР (ОТВОЙНЫЕ МОЛОТКИ);
- ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ТЕБРАТКИЧЛАРИ, БЕТОН АРАЛАШТИРГИЧЛАР.



Барча тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-“А” уй.

www.qurilish-lizing.uz
E-mail: kurilish2003@mail.ru

Маҳсулотлар сертификатланган

Тел.: (8-371) 250-73-14, 250-51-04, моб.: (+99890) 189-95-41, 958-61-61. Тел./факс (8-371) 250-51-04

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Жорий йилда мазкур йўналишда 300 дан зиёд лойиҳани рўёбга чиқаришни мақсад қилганмиз, — дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жамшид Машраббоев. — Шу тариха ишлаб чиқариш тармоқларига қарийб бир триллион 745 млрд. сўмлик ва 90 млн. АҚШ доллариллик инвестиция

раққиётга юз бурди. Кейинги йилларда ҳудудда иқтисодиётнинг барча тармоқларини модернизация қилиш, техника ва технология янгиллаш борасида эътиборга лойиқ ишлар олиб борилмоқда. Бу ерда тўқимачилик, қурилиш, энергетика, машинасозлик, озиқ-овқат ва мебеласозлик саноати жадал ривожланмоқда. Иқтисодиётимизнинг қон томирларидан бўлган



Тошкент вилояти:

ИСЛОҲОТЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР, НАТИЖАЛАР

жалб этиш кўзда тутилган. Бу вилоятнинг олис-яқин манзиллари, асосан, қишлоқ жойларда салкам 11 мингта янги иш ўрни вужудга келади, деганидир.

Жорий йилнинг ўтган даврида жойларда 200 дан ортиқ корхона ўзининг дастлабки маҳсулотини чиқара бошлади. Уларнинг бир нечаси тўридан-тўри хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилганки, бу ички ва ташқи бозорга рақобатбардosh маҳсулотлар етказиб бериш имконининг бераётди. Яна бир қувонарли жиҳати — инвестиция лойиҳаларининг аксарияти вилоятнинг йирик саноат марказларида эмас, аксинча, ишлаб чиқариш кам ривожланган тоғли ва тоғолди ҳудудлари ҳамда чекка қишлоқлар ҳиссасига тўри келмоқда. Демак, бугун Бўстонлик, Бекобод, Қўйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Бўка, Пискент, Оққўрғон туманларининг энг чекка нукталарига ҳам саноат тармоқлари дадил кириб бормоқда, янги, замонавий корхоналар қад ростламоқда.

Янги лойиҳалар амалиёти

Қадимдан йирик савдо-сотик маркази, уста хунарманд ва моҳир ишбилармонлар маскани бўлган қўҳна Илок — Оҳангарон воҳаси мустақиллик туфайли та-

тоғ-кон саноати равнақида ҳам мислсиз янгиланишлар рўй бераётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 13 апрелдаги “Ангрэн” маҳсул индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги Фармони бу борада янги босқични бошлаб берди. Ушбу муҳим ҳужжат Ангрэн шаҳри ва Оҳангарон тумани аҳолиси бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини юксалтиришда кенг имкониятларни вужудга келтирмоқда.

Индустриал зонада фаолият кўрсатадиган корхоналарга киритиладиган инвестициялар ҳажмига қараб, 3 йилдан 7 йилгача солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар қўлланилаётди. Шу билан бирга, воҳада мукамал инфратузилма, транспорт-коммуникация тизими ҳам шаклланди.

“Ангрэн” маҳсул индустриал зонасида ўтган қисқа вақт ичида бир қатор инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилди. Яна кўплаб янги қувватлар иш бошлаш арафасида. Бу борада Жанубий Корея, Сингапур, Австралия, Буюк Британия, Болгария, Хиндистоннинг етакчи фирми ва компаниялари билан узвий ҳамкорлик қилинаётди.

Янги бунёд этилган Ангрэн шакар заводи ана шу ҳамкорлик самарасидир. Чет эллик ше-

риклар сармояси иштирокида рўёбга чиқарилган мазкур лойиҳа шарофати билан бу ерда йилга 350 минг тонна шакар ишлаб чиқариш имконияти юзга келди.

Индустриал зонада фаолият бошлаган замонавий ишлаб чиқариш субьектларидан яна бири “EGL-Nur” Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасидир. Айни пайтда бу ерда юқори технология асосида қуввати 120-175 Ваттга тенг диодли лампалар тайёрланаётди. Жаҳон стандартларига тўла мос келадиган бундай ёритиш мосламалари электр қувватини юқори даражада тежаш билан диққатга sazовордир. Масалан, хонадонни мизодаги оддий 100 Ватт қувватга эга люминесценцияли лампа берадиган ёруғлики ёғду-диодли лампанинг 22 Ваттлеси беамалол тарата олади. Мутахассислар ҳисоб-китобида кўра, шунинг ўзидек бир ойда битта оддий лампа сарф этадиган электр энергиясини 23,4 кВт/соатгача тежаш имконини бераркан.

Жаҳон бозорига йўл

Хар қандай мамлакатнинг иқтисодий кудрати унинг экспорт салоҳиятига намоён бўлади. Эътиборли жиҳати, Ўзбекистонимиз ўзининг мустақил

тараққиёт йўлида жаҳон бозорига дадил қадамлар билан кириб борди. Қадимдан Буюк Ипак йўлининг маркази бўлган юртимиз истиклол туфайли дунё бозоридаги азалий ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий ҳамкорлик доирасини кенгайтириш имконига эга бўлди. Бугун Ер юзиде “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остидаги маҳсулотлар кириб бормаган жой қолмади, ҳисоб. Бунга, албатта, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, четга хом ашё эмас, кўпроқ тайёр маҳсулот чиқариш борадидаги изчил ва қатъий сиёсати туфайли эришилмоқда.

Қувонарлиси, кейинги йилларда вилоятнинг ташқи савдо жуғрофияси анча кенгайди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ҳудудий корхоналар томонидан

Албатта, бундай ютуқлар, ижобий натижаларни санаб адо этиш мушкул. Уларга ҳар кун, ҳар жабҳада, ҳар қадамда рўбару келаётишимиз. Бир пайтлар иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, қолоқ аграр республика дея аталиб келинган мамлакатимиз бугун юксак иқтисодий салоҳиятга эга давлатга айланди. Бу, шубҳасиз, мустақиллик шарофати, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Ўзбек модели”нинг ҳаётбахш самараларидир.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

МЕРОС

Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Самарқанд азалик хорижий сайёҳлари ҳам, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюраётган юртдошларимизни ҳам доимо ўзига қорлаб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, халқимизнинг азалий қадрияти — ўзбекона меҳмоннавозлик туфайли қўҳна шаҳарнинг сайёҳлик салоҳияти йил сайин ортиб бормоқда.



Боқий қадриятлар кўзгуси

Қадимий Самарқандда ҳозирги пайтда кўплаб ёдгорликлар асраб-авайланаётган бўлиб, уларнинг аксарияти ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Ушбу марварид шаҳарга келадиган меҳмонлар нафақат бу ердаги тарихий ва маданий ёдгорликлар, қўҳна обидалар билан яқиндан танишишни, балки миллий хунармандлик устаконалари, чойхона ва миллий таомлар ошханалари, Самарқанднинг дунёга машҳур нонлари тайёрланадиган наввойхоналарга ҳам ташриф буюришни яхши кўришади. Эндиликда ушбу масканлар сафига Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети қошида очилган илмий-амалий музей-лабораторияси ҳам қўшилди.

Мазкур музей-лаборатория “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган Музейлар ҳафталиги доирасида очилди. Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда шаклланиган илм-фан мактаблари фаолиятини ривожлантириш, буюк алломаларимизнинг илмий-маънавий меросини ўрганиш, ундан халқимизни баҳраманд этиш, аждодларимизнинг инсоният цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини бугун дунёда кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмаётган, — дейди Самарқанд давлат университети ректори Улуғбек Тошкенов. — Жорий йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган

— Самарқандга бир марта келган инсон бу ерга умрбод мафтун бўлиб қолади, деганлари рост экан, — дейди ўз таассуротларини тўлқинланиб айтиб берган италиялик сайёҳ Марко Донатани. — Саёҳатим давомида кўплаб масканларни даймондим. Самарқанд давлат университети қошида очилган илмий-амалий музей-лабораториядаги турли археологик топилмалар, этнография буюмлари, тарихий суратлар, ҳужжатлар менда катта қизиқиш уйғотди.

Мамодиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

МУЗЕЙЛАР ҲАФТАЛИГИ

Наманган вилояти ўлкани ўрганиш музейига “Музейлар ҳафталиги” доирасида етти мингдан зиёд киши ташриф буюрди.

Мозийга саёҳат

Бу ердаги эрамиздан аввалги III-II асрларга оид сак ханжари, 600 минг йил илгари яшаган қарқиндон суяги ёки узок тарихга таалуқли бошқа экспонатларни кўрган киши ўзини гўёки мозийга саёҳат қилгандай ҳис этади. Адабиёт ва санъат, мустақиллик даври, маънавият, табиат бўлимларидаги экспонатлар эса наманганликларнинг турли соҳадаги ютуқ-

Қудратилла НАҲМИДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

САЛОМАТЛИК

Ховос бирлашган темир йўл шифохонасида ташкил этилган диагностика бўлимида замонавий тиббий ускуналар туфайли қон ва бошқа биокимёвий таҳлиллар натижасини қисқа муддатда аниқлаш имконияти яратилди.

Айни чоғда бўлимида бу аналлизаторларнинг бири 12, иккинчиси эса 14 та кўрсаткичдаги таҳлил амалиётларини баҳаради. Шунингдек, электрокардиограф аппарати ёрдамида юрак-ишемик ва гипертония касалликларини бўйича ташхис қўйиш имконияти ҳам мавжуд. — Диагностика бўлимидаги тўлиқ қайта таъмирланган хоналарда иш бошланди, — дейди бош шифокор Фойибназар Райимназаров. — Натижада беморлар ва уларга хизмат кўрсатадиган шифокорлар учун барча шарт-шароит яратилди. Бунинг учун 168 миллион сўм сарфланди. Айтиш лозимки, Бекобод шаҳри ҳамда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида фаолият юритаётган темир йўл ходимларига тиббий хизмат кўрсатувчи мазкур шифохонада илгор тиббий технологияли ташхис қўйиш бўлими очилганлиги беморлар учун ҳам, шифокорлар учун ҳам катта қулайлик яратди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

WWW.XS.UZ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SHO'RTAN GAZ-KIMYO MAJMUASI» УШК **SNP Shurtan** Navoi Plast-PE

«POLIETILEN QUVURLAR» ШК

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлашган, «Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошидаги «POLIETILEN QUVURLAR» шўъба корхонасида

диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва уларга бутловчи қисмлар ҳамда томчилатиб сўғоришда фойдаланиладиган шланглар кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда.

Бизнинг қувурларимиз сизни тез-тез учраб турадиган бузилиш ва таъмирлаш муаммоларидан кўп йиллар мобайнида халос этади.

Маҳсулот сертификатланган.

Буюртма ҳамда таклифлар қўйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: (8-436) 220-00-35, 220-00-36.

Шунингдек, буюртмаларни pe-plast.uz сайти ва pe_plast@mail.ru электрон манзилига юборишингиз мумкин.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210609, Навоий вилояти, Кармана тумани, Маликработ кўрғони.

«Қибрай» клиник санаторийси

юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сихатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етуқ мутахассислар тиббиётнинг энг илгор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жакузи ванналар мавжуд.

Сихатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар яратилган. Яшаш хоналари кабель ТВ ва машиий электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларини ўз ичига олган таъминома таъсия қилинади.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай кўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналиши таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.

Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер учаскалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солигини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябргагача этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибиде мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан, мол-мулк ва ер солигини 2014 йил 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 79 206 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚўЛЪЕМАЛАР тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — Ф. Абилов. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5

АҚШнинг Колорадо-Спрингс шаҳрида дзюдо бўйича паралимпиячилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида спортчиларимиз битта олтин, учта кумуш ва тўртта бронза медални қўлга киритди.